

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХАМЗАЕВ ШАВКАТ АБДИРАСУЛОВИЧ

ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙНИНГ ИРФОНИЙ -ФАЛСАФИЙ
ҚАРАШЛАРИ

09.00.03 - Фалсафа тарихи

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хамзаев Шавкат Абдирасулович

Хожа Аҳмад Яссавийнинг ирфоний-фалсафий қарашлари..... 5

Хамзаев Шавкат Абдирасулович

Философские и суфийский взгляды Ходжа Ахмада Яссави 21

Khamzaev Shavkat Abdirasulovich

Irfan-philosophical views of Khoja Ahmad Yassawi..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХАМЗАЕВ ШАВКАТ АБДИРАСУЛОВИЧ

**ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙНИНГ ИРФОНИЙ -ФАЛСАФИЙ
ҚАРАШЛАРИ**

09.00.03 - Фалсафа тарихи

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Fal309 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шодиев Рустам Тоҳирович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хажиева Мақсуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Маматов Мамажон Аҳмаджонович
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик
университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “28” июнь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (135 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “14” июнь куни тарқатилди.
(2022 йил “14” июнь даги 9 рақамли реестр баённомаси.)



Наврўзова Г. Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А. З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Sx

Саломова Х. Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тасаввуф таълимоти Жаҳон халқлари маданий-маънавий меросининг таркибий қисми ҳисобланиб, унда илгари сурилган фалсафий-ирфоний мерос асрлар давомида бутун инсониятни ижтимоий-маънавий қиёфасини шакллантириш, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга, умуминсоний ва миллий кадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда. Жумладан, буюк мутасаввифлар қолдирган илмий-маънавий меросни бугунги ёшларга етказиш, уларда илгари сурилган ахлоқий ғоя ва қарашларни илмий жиҳатдан очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, информацион ва интеграцион глобаллашув жараёнида аҳолини, айниқса, ёшларни маънавий-ахлоқий бузилишлар ва оммавий маданият каби салбий иллатлардан ҳимоя қилишда Шарқ донишмандлиги ғояларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида маънавий мероснинг такрорланмас хазинаси ҳисобланган мутафаккирларнинг ирфоний-фалсафий қарашлари, инсон ва унинг камолоти, ёш авлод тарбиясига оид таълимотлари доирасида инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Хожа Аҳмад Яссавий маънавий меросидаги ғояларининг ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятининг назарий жиҳатлари тадқиқ этилмаганлиги, янгича замонавий ёндашувлар асосида “Девони ҳикмат” ва “Фақрнома” асарларидаги инсонпарварлик, тинчлик, аҳилликка оид ғояларини таҳлил этиш, уларнинг ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятини бугунги кунда ёшлар тарбиясига қўйилаётган талаблар билан ҳамоҳанглиги тўғрисидаги қарашларни илмий-назарий тадқиқ этиш заруратга айланмоқда.

Мамлакатимизда буюк аллома ва мутафаккирлар илмий-маънавий меросини ўрганиш ва оммалаштириш, баркамол авлодни вояга етказишда аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. “Томирларида буюк боболаримизнинг қони оқаётган ёшларимиз улуғ аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиши, улар каби улкан мақсадлар сари интилиб яшаши ва юксак марраларга эришиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишимиз зарур. Янги Ўзбекистон ёшлари ана шундай юксак даражаларга кўтарилиши учун барча имкониятларни ишга соламиз”¹. Бу борада, аждодларимиз тасаввуфий, маънавий меросидаги ижтимоий-фалсафий йўналишдаги тадқиқотларни янада чуқурлаштириш, айниқса, бу борада Хожа Аҳмад Яссавийнинг тасаввуфий меросидаги диний-ирфоний, бадий-ахлоқий, аксиологик қарашларини илмий-фалсафий таҳлил этиш, ўрганиш ва ундан комил инсон тарбиясида амалий фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январь 2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “O'zbekiston”, 2021. – Б.263.

манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хожа Аҳмад Яссавийнинг ижодига қизиқиш ва унинг илмий меросини тадқиқ этиш билан шуғулланган жаҳон олимларидан А. Кремер, Ф. Кўпрулизода, N. Tosun, P. Дози, И. Гольдциер, А. Мец, Г. Вамбери, К. Гани, M. Lings, A. Arberry, E. Palmer, И. Табари, Усмон Турар, М. Жўшон² ва бошқа тадқиқотчиларни киритиш мумкин.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тадқиқотчиларидан В. Бартольд, Е. Бертельс, Б. Гордлевский, С. Демидов, К. Казанский, А. Крымский, А. Богоутдинов, С. Григорян, М. Степанянц³ сингари тадқиқотчиларни киритиш мумкин. Хусусан, шарқшунос-олимлардан Ю. Петраш тадқиқотларида тасаввуф тариқатлари ўртасидаги тафовутни ажралиш сабабларини ижтимоий-иқтисодий омиллар натижаси⁴, - деб қаралиб, яссавия

² Kremer A. Molla shah et le spiritualisme oriental // Jurnal asiatique. – Ser/6, t.13; Kopruluzade M.F. Turk edebiyatinda ilk mutasavviflar. – Анкара. 1966.; Tosun N. Yesevilik'te Zikr-i Erre // Keşkül. – Sy. 6, – İstanbul, 2005.; Dozy K. Essai sur l'histoire de L'islamisme. – Zeyde, 1879.; Гольдциер И. Лекции об исламе. – Брокгауз-ефрон. 1912.; Мец А. Мусульманский ренессанс. – Москва: Наука, 1966.; Вамбери А.Г. Путешествие по Средней Азии. – Москва, 1867.; Гани К. Тарих-и тасаввуф дар ислам. – Техран. 1976; Lings Martin What is Sufism. – London. 1975.; Arberry A. Sufism. –London. 1972.; Palmer E. Oriental Mysticism. – London. 1973.; Табари Э. Бархе бррасихо дар бораи жаҳонбинихо ва жунбишхон ижтимои дар эрон. – Техрон. 1348 (х); Турар У. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиклол, 1999.; Жўшон Махмуд Асъад. Тасаввуф ва нафс тарбияси. –Тошкент: Чўлпон, 1998.

³ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. - Ленинград: Изд-во АН СССР. 1927.; Бертельс.Е.Э. Суфизм и суфийская литература: Избранные труды / (Бертельс.Е.Э, отв.ред. А.Н.Болдырев, сост. М. Н.О.Османов). - Москва: 1965.; Гордлевский В.А. Ходжа Ахмед Яссави. Избранные сочинения. -Т.3. - Москва: Восточная литература, 1962.; Демидов С.М Суфизм в Туркмении. -Ашгабад: Илым, 1978.; Казаникий К. Мистицизм в исламе. – Самарқанд. 1906. 236 с.; Крымский А.Е. Очерки развития суфизма для конца VIII в. Хиджри. -Москва. 1968.; Богоутдинов А.М. Очерки по истории таджикской философии.- Сталинабад; Таджикгосиздат, 1961.; Григорян С.Н. Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока.-Москва: Изд-во АН СССР. 1966.; Срепанянц М.Т. Суфизм в контексте мусульманской культуры. - Москва: Наука, - 1989.;

⁴ Крымский А.Е. Очерк развития суфизма до конца III в. хиджры. - СПб., 1895. (Тр. Восточной Комиссии Имп. Московского Археологического Общества. Москва.: 1895. - Т.2.; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская

тариқатига танқидий фикрлар билдирилган бўлса, Б. Гордлевский тадқиқотларида Яссавийнинг ижодий фаолиятига ижобий баҳо берилган⁵. Бундан ташқари Девин ДиУис яссавийлик ва нақшбандийлик тариқатлари ўртасидаги муносабатлар генезисини қиёсий таҳлил қилган бўлса, тадқиқотчи М. Кўпрулизода⁶ Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, фаолияти, ижтимоий, маърифий-ахлоқий қарашларини тадқиқ этгани муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонлик олимлардан М. Хайруллаев, Э. Юсупов, М. Усмонов, О. Усмонов, Н. Комилов, И. Ҳаққул, Ҳ. Алиқулов, Р. Носиров, И. Мўминов, Г. Наврўзова, Р. Шодиев⁷, З. Исҳоқова, Ж. Холмўминов кабиларнинг тадқиқотларида тасаввуф таълимоти, Марказий Осиёдаги тариқат йўналишлари, жумладан, Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти ва маънавий меросининг турли жиҳатлари юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилган. Хусусан, М. Хайруллаев ва Р. Носировлар тасаввуф тариқатлари, шунингдек Аҳмад Яссавий тасаввуфий қарашлари ҳам, ўзбек тадқиқотчилари томонидан тарихий-фалсафий нуқтаи назардан ҳали етарли даражада тадқиқ этилмаган, деб кўрсатганлар⁸. М. Хажиева⁹ тадқиқотларида Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-тарбиявий қарашларининг тарбиявий аҳамиятини атрофлича ўрганишга уринади, аммо унинг тадқиқотларида яссавия тариқатини асосан педагогик нуқтаи назаридан ўрганилган.

Ушбу тадқиқотларнинг илмий аҳамиятини эътироф этган ҳолда тадқиқот ишида Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий мероси, ижтимоий, фалсафий-ирфоний қарашларини ёритиш, Янги Ўзбекистонда маънавий янгилаш жараёнларига кўрсатаётган таъсирини аниқлаш масаласига алоҳида диққат қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг

литература. Москва: Наука, 1965 – 524 с.; Петраш Ю. Г. Тень средневековья. Алма-Ата: Казахстан, 1981. – 150 с.

⁵ Гордлевский В.А. Ходжа Ахмед Ясеви. // Избранные сочинения. Том 3. Москва: Восточная литература, 1962. - С. 361-369.

⁶ De Weese D. Yasavian Legends on the Islamization of Turkistan // Aspects of Altaic Civilization. III. Proceeding of the Thirtieth Meeting of the Permanent International Altaistic Conference. Indiana University, June 19-25, 1987; Kopruluzade M.F. Turk edebiyatında ilk mutasavvıflar. -Анкара, 1966.

⁷ Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. – Тошкент.: Фан, 1994.; Юсупов Э. Нажмиддин Кубро ва тасаввуф тариқати ҳақида айрим мулоҳазалар. “Шайх Нажмиддин Кубро” тўплами. – Тошкент.: Ёзувчи, 1995.; Усмонов М.А Основные этапы эволюции ислама. Автореф. дис... д.филос.н.- Москва, 1978.; Усмон Ориф. “Ваҳдат шарбатин ичдим” (Яссавий тариқати) // «Мулоқот», 1991.- №6-сон; Комилов Н. Тасаввуф. Ғоиблар хайлидан ёнган чироқлар. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1994.; Ҳаққул И. Аҳмад Яссавий. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001.; Носиров Р. Хожа Аҳмад Яссавийнинг диний-ахлоқий қарашлари// Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1995 Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. –Тошкент.: Фан, - 1999.; Наврўзова Г. Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий меъроси. – Тошкент: “Фан”, 2021.; Шодиев Р. Ўрта Осиё тасаввуфи ва ахлоқий қадриятлар. – Самарқанд, “Зарафшон”, 1992.; Isakova Z.R. Тасаввуф таълимотида ирфон тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти // The light of Islam – Islom ziyosi – ملاسلأءايض. – Тошкент, 2021. – № 4. – Б. 55-65.

⁸ Хайруллаев М.М. К Изучению истории вольнодумных идей в общественной мысли народов Средней Азии Тошкент: Фан, 1991. –С.3-10; Носиров Р. Аҳмад Яссавийнинг диний-ахлоқий қарашлари// Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. - Б.116.

⁹ Хажиева М. Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-маърифий қарашларининг тарбиявий аҳамияти. – Тошкент: Muharrir, 2012. – 134 б.

илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-2020022811 рақамли “Ўзбекистон ҳудудларидаги тарихий-маданий анъаналар ва уларнинг замонавий кўринишларини тарғиб этувчи платформа яратиш” (2020-2022 йй) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хожа Аҳмад Яссавий маънавий меросини асослаш ҳамда ёш авлод тарбиясидаги маънавий-ахлоқий аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Туркистонда тасаввуфнинг тарқалиши ва Хожа Аҳмад Яссавий дунёқараши шаклланишининг тарихий-маданий, маънавий негизларини аниқлаш;

Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти ва фаолияти, яссавийшунослик тадқиқотлари таҳлили, бажарилган ишларни фалсафий нуқтаи назардан баҳолаш;

Яссавийликдаги диний-фалсафий ғояларни ёритиш, уларнинг тасаввуфни ривожлантиришдаги ўрнини очиб бериш;

Яссавийликда инсон руҳий-маънавий камолоти ва ахлоқий қарашлари билан диалектик боғлиқлигини асослаш;

Хожа Аҳмад Яссавийнинг диний-тасаввуфий қарашларидаги маънавий-ахлоқий қадриятларини ўрганиш ва шу асосида ҳозирги замон ижтимоий-ахлоқий тарбиядаги аҳамиятига оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-тасаввуфий меросига оид назарий манбалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-тасаввуфий меросидаги ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий ғояларни тадқиқ этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари Диссертацияда илмий билишнинг ворисийлик, тарихийлик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, тизимлилик, анализ ва синтез, объективлик ва мантиқийлик каби илмий билиш усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хожа Аҳмад Яссавий тариқатини туркий халқларнинг руҳий-маънавий, диний-маърифий даражасига мувофиқ келиши унинг “туркий забонда ифодалагани” билан боғлиқлиги ҳамда Хожа Аҳмад Яссавий маънавий меросидаги халқлар ўртасида миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ватанпарварлик каби умуминсоний ғоялари бугунги давр характериға адекват эканлиги фалсафий категориялар контекстида аниқланган;

ўрта асрларнинг мураккаб тарихий шароитида Хожа Аҳмад Яссавийнинг тўғрилиқ, софдиллик, одиллик, инсоф ва диёнат сингари конструктив ғоялари туркий халқлар маънавий-ахлоқий дунёқарашини юксалтиришда пойдевор вазифасини бажарганлиги мантиқий далилланган;

Яссавия тариқатининг ижтимоий-фалсафий, диний-ирфоний, маънавий-ахлоқий қарашларидаги инсонни асл комилликка элтадиган имон ва эътиқодда собитлик, ҳалоллик ва поклик, умр кечиришдан асл мақсад – Ҳаққа эриши йўлида машаққат-риёзат чекиш каби тамойилларнинг Марказий Осиё мутафаккирлари (Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим

Машраб) илмий-маънавий меросида етакчилик қилганлиги асосланган;

Хожа Аҳмад Яссавийнинг илмий-тасаввуфий меросидаги инсоннинг руҳий камолоти, инсонийликка оид илм-маърифат эгаллаш, ҳиммат ва саховат туйғуларини камол топтириш, нафсга қарши курашишда собит бўлиш, ҳалол меҳнат билан ризқ топиш каби ғоялари ёшларда кучли қатъият, масъулият ва сабр-қаноатни шакллантиришда муҳим асосга эга эканлиги фалсафий жиҳатдан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хожа Аҳмад Яссавийнинг шахс ва жамият ҳақидаги фалсафий-ирфоний қарашлари, ижтимоий адолат ва тенглик ҳақидаги фикрлари бугунги кун талаблари асосида очиб берилган;

Хожа Аҳмад Яссавийнинг тарбия, яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат, меъёр каби маънавий-ахлоқий қадриятларга оид қарашлари фалсафий таҳлил этилган;

замонавий фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позициясига эга ёшларни тарбиялашда Хожа Аҳмад Яссавий инсонпарварлик ғояларининг конструктив аҳамияти юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тадқиқот жараёнида бирламчи манбалардан фойдаланилганлиги, шу билан биргаликда тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманлардаги маърузаларда, нашрларда баён қилинган, шунингдек, тадқиқот жараёнида олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Яссавийлик таълимотини бугунги давр маънавий эҳтиёжлари нуқтаи назаридан баҳолаш яссавийлик тариқатини янги концептуал-услубий асосда ўрганиш, ислом маданияти ва мероси масалалари бўйича янги тадқиқотларнинг яратилишида илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилиши, фалсафий билимлар тизимида Аҳмад Яссавий ижтимоий-фалсафий қарашларида бирдамлик, бағрикенглик, тинчлик, дўстлик, инсонпарварлик каби умуминсоний ижтимоий ғояларни мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг асосий масалаларидан бири бўлган комил инсонни тарбиясидаги назарий-методологик асосларини мазмунан бойитишга, Ўзбекистон тарихи, фалсафа тарихи, касбий маънавият, тасаввуф фалсафаси каби фанларни ўқитишда, ёшларнинг ислом ва тасаввуф ҳақидаги илмий тушунчалари ва фалсафий дунёқарашларини юксалтиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан фалсафа тарихи, тасаввуф таълимоти, ёшлар муаммоларига доир илмий-тадқиқот ишларини ирфоний-фалсафий билимлар билан қиёсий таҳлил қилишда, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва унинг вилоят бўлимларининг тарғибот ва ташвиқот ишларида, маҳалла, оила масалалари, музейлар, ўқув-тарбия билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан халқимизнинг тарихий маданий-мероси, қадриятларни тарғиб қилиш, муассасалар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилишида, олий таълим муассасаларида ўқув қўлланма ва

рисолалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хожа Аҳмад Яссавийнинг ирфоний-фалсафий қарашлари, гуманистик ғояларидан ҳозирги даврда ёшлар маънавий-руҳий оламини юксалтириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар асосида:

Хожа Аҳмад Яссавий тариқатини туркий халқларнинг руҳий-маънавий, диний-маърифий даражасига мувофиқ келиши унинг “туркий забонда ифодаланиши” билан боғлиқлиги ҳамда Хожа Аҳмад Яссавий маънавий меросидаги халқлар ўртасида миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, ватанпарварлик каби умуминсоний ғоялари бугунги давр характериға адекват эканлигига оид назарий хулосалар, методологик тавсиялар ҳамда амалий таклифлардан Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг А-1-149 рақамли илмий-тадқиқот гранти доирасида тайёрланган “Ўзбекистон фалсафаси тарихи” (уч томлик, ўзбек тилида) энциклопедиясининг III томини тайёрлаш ва нашрдан чиқаришда фойдаланилган (Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг 2021 йил 4 августдаги 23-сон далолатномаси). Натижада, энциклопедиянинг экспонатини бойитишга ва фалсафа тарихи дарсларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

ўрта асрларнинг мураккаб тарихий шароитида Хожа Аҳмад Яссавийнинг тўғрилиқ, софдиллик, одиллик, инсоф ва диёнат сингари конструктив ғоялари туркий халқлар маънавий-ахлоқий дунёқарашини юксалтиришда пойдевор вазифасини бажарганлигига доир илмий янгилик, назарий хулосалари, методологик тавсиялари ҳамда амалий таклифларидан Ўзбекистон Миллий университети қошидаги ОТ-Ф1-106-“Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий меросининг ғарб олимлари томонидан тадқиқ этилиши” фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 25 августдаги 04/11-4388-сон далолатномаси). Натижада, илмий-тадқиқот лойиҳасини янада такомиллаштиришга ва кенг жамоатчиликка буюк аждодларимиз маънавий меросига бўлган қизиқишини ортишига ва уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилган;

Яссавия тариқатининг ижтимоий-фалсафий, диний-ирфоний, маънавий-ахлоқий қарашларидаги инсонни асл комиликка етадиган имон ва эътиқодда собитлик, ҳалоллик ва поклик, умр кечиришдан асл мақсад – Ҳаққа эриши йўлида машаққат-риёзат чекиш каби тамойилларнинг Марказий Осиё мутафаккирлари (Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб) илмий-маънавий меросида етакчилик қилганлигига оид назарий хулосалар, ҳамда амалий таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий маркази томонидан Республикамиздаги таълим муассасалари ва ҳудудларда ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда кенг тадбиқ этилиб, Марказ томонидан VIII-XVI асрларда яшаган 650 нафар Шарқ аллома ва мутафаккирлари ҳақидаги тарихий маълумотларни ўз ичига олган “Ўрта аср Шарқ алломалари” энциклопедиясини нашр этиришда фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказининг 2021 йил 17 августдаги 02/327-сон далолатномаси). Натижада, энциклопедиянинг мавзуларини илмий манбалар билан бойитишга ва ёшлар онгида минтақамизга хос тарбиявий таълимотларининг маънавий ҳаётимизга позитив таъсири, турли мутаассиб диний оқимларнинг ғояларига қарши курашувчи мустаҳкам мафкуравий иммунитетини шакллантиришига хизмат қилган;

Хожа Аҳмад Яссавийнинг илмий-тасаввуфий меросидаги инсоннинг руҳий камолоти, инсонийликка оид илм-маърифат эгаллаш, ҳиммат ва саховат туйғуларини камол топтириш, нафсга қарши курашишда собит бўлиш, ҳалол меҳнат билан ризқ топиш каби ғоялари ёшларда кучли қатъият, масъулият ва сабр-қаноатни шакллантиришда муҳим асосга эга эканлигига хулосалар ҳамда таклифларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Самарқанд!” кўрсатуви ҳамда “Радио репортаж” радиоэшиттиришининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 16 августдаги 09-01/437-сон маълумотномаси). Натижада, ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш, аждодларимиз тасаввуфий, маънавий меросини комил инсон тарбиясидаги аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсади, объекти, предмети, вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, қўлланилган илмий билиш усуллари эришилган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми хусусида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Туркистонда тасаввуф таълимотининг вужудга келиши ва намоён бўлиш хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобнинг дастлабки параграфи **“Яссавийлик тариқати вужудга келишининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий омиллари”** деб номланган.

Диссертацияда мустақиллик боис яссавийшуносликда янги давр бошлангани, Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларининг Ўзбекистондаги бир қанча қўлёзмалари асосида унинг йиғма қиёсий матни эълон қилинганлиги ва каталоглаштирилганлиги¹⁰ айтилади. Мутассаввиф ҳаёти ва фаолияти тарихига ҳолисона баҳо бериш, асарларини объектив ўрганиш, аллома ирфоний-фалсафий таълимотининг шахс, оила, жамият тараққиётидаги ўрни ва уни бугунги авлодга етказиш масалаларига эҳтиёж сезилди.

Тадқиқот ишида Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти ва фаолияти, тарихий хизматларини тўғри ёритиш учун Муҳаммад Донишманднинг “Миръот ул-қулуб”¹¹, Сафийиддин Ўрунг Қўйлоқийнинг “Насабнома”¹², Имом Ҳусомиддин Сигноқийнинг “Рисола дар таржимаи Хожа Аҳмад Яссавий”¹³, Хожа Исҳоқнинг “Ҳадиқат ул-орифин”¹⁴, Султон Аҳмад Ҳазинийнинг “Жавоҳир ул-аброр мин амваж ил-биҳар”¹⁵, Муҳаммад Олим Шайхнинг “Ламаҳот мин нафаҳат ил-қудс”¹⁶ каби тарихий асарлар ва маноқибларда берилган маълумотлар асосида таҳлил этилган.

Диссертацияда Яссавия тариқати вужудга келишининг ижтимоий-тарихий негизлари шаклланган араб-мусулмон жамиятидаги феодал тартиблар, зулмнинг кучайиши, бойлик, зебу-зейнатга берилишга норозилик туйғусини диний-тасаввуфий асослаш билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, Яссавий ҳаёти ва ижодий фаолиятини ибрат сифатида, унинг асарларини мазмун-моҳияти мамлакатимиз келажagini барпо этувчи ёш авлод орасида тарғиб қилиш, жамият тараққиётининг маънавий-ахлоқий барқарорлигига, ривожланишига, осойишталигига муносиб тарзда ҳисса қўшиши мумкинлиги тўғрисида ҳулоса қилинади.

Биринчи бобнинг “Хожа Аҳмад Яссавий – етук тасаввуф шайхи ва тариқат асосчиси” деб номланган иккинчи параграфида Хожа Аҳмад Яссавийнинг таржимаи ҳоли, тарбияси, устозлари, яссавийлик тариқатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши каби масалалар таҳлил этилган.

Диссертацияда Хожа Аҳмад Яссавийнинг тўлиқ исми – Аҳмад ибн Иброҳим ибн Маҳмуд ибн Ифтихор ибн Исҳоқ деб номланиши, манбаларда “Хожа” нисбаси билан аталиши ва Ҳазрат Али авлодларига боғланиши ҳақида маълумотлар келтирилади. “Хожа” уруғи бошқа уруғлардан шарафли

¹⁰ Эшмухамедова М. Девони ҳикмат қўлёзмалари. – Тошкент.: 2006. – 84 б; Девони ҳикмат йиғма қиёсий матни. - Тошкент: 2007. – 204 б.; ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларининг қўлёзма каталоги. - Туркистон, 2006. – 328 б;

¹¹ Асарнинг бир нусхаси Уппсала кутубхонасида (Universitetsbibliothek. –№472. 1586-177a), иккинчи нусхаси Тошкентда (Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. – № 3004) сақланади.

¹² Mevlana Safiyud“din. Neseb-name tercümesi, haz. Eraslan K. – İstanbul, 1996.

¹³ Имом Ҳусомиддин Сигноқий. Рисола дар таржимаи Хожа Аҳмад Яссавий. – Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. №11084 (116-14a).

¹⁴ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. №11838 (в.1b-131a).

¹⁵ Ҳазинийнинг тадқиқотга жалб этилган яна бир шеърӣ асари “Хужжат ул-аброр дар асомийи авлиёӣ кибор” Париж миллий кутубхонасида сақланади (Bibliothèque Nationale. Pers A.F. 263. –103b-173b).

¹⁶ Шайх Муҳаммад Олим Сиддиқӣ. Ламаҳот мин нафаҳот ил-қудс. Нашрга тайёловчи. М.Назир Ранжжа. – Исломобод-Лаҳор, 1986; DeWeese D. The Yasavi Order and Persian Hagiography in Seventeenth-Century Central Asia: Alim Shaykh of Aliyabad and his “Lamahat min nafahat al-quds” // The Heritage of Sufism. – Vol. III. – Oxford, 1999; Ҳасан Н., Султон Ў. Олим Шайхнинг «Ламаҳот мин нафаҳот ил-қудс» асари ва унинг яссавийшуносликдаги аҳамияти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – № 3. – Б. 16-25; Hasan N. Ālim Şeyh ve onun “Lemehat min nefehat il-kuds” eseri. Tasavvuf ilmi ve akademik araştırma dergisi. – Ankara.: 2007. Sy. 18. – S. 229-242 в.б).

бўлиб, улар ўзларини Имом Муҳаммад Ханафий авлодларидан деб ҳисоблаганлар¹⁷. Хожа Аҳмад Яссавий “Ҳикматлар”ининг ўзи мутасаввиф ҳаёти ва таржимаи ҳолини ўрганишда асосий манба бўла олади. Аллома дастлабки таълимни Яссиди (ҳозирги Қозоғистон) олади, сўнгра бобоси Арслонбоб хоҳиши билан Бухорога бориб, таълим олишни давом эттиради. Арслонбоб вафотидан кейин Яссавий дунё кезиш учун олис шаҳарларга отланди. Ислом динининг шарқдаги қуввати Бухорои шариф ёш Аҳмадни ўзига тортади. У ерда Юсуф Ҳамадонийдан илм олади, узоқ ва машаққатли муридлик йўлини босиб ўтиб, сўфий-дарвешлар пирига айланди. 1158 йил ватани Яссиди қайтади. У муршидлар қоидасига кўра, иршод олганидан кейин ҳам фақирлик йўлини танлаб, бирор ерда муқим яшамай, шаҳар-шаҳар юриб, одамларни, халқни, ҳукмдорларни иймон-этиқодга, инсофга даъват қилган. Мутасаввиф 63 ёшда ер остидаги чиллахонасида таркидунёчиликка кирган ҳолда умрини тоат-ибодат қилиб, хилватда ўтказган, ҳатто ўзининг «Девони ҳикмат»ини ҳам узлатда битгани ҳақида манбаларда маълумотлар бор. Хожа Аҳмад Яссавий жамиятнинг зарарланмаган, балки фойда кўрган беклар, оқсуяклар, аскар бошлиқлар, уларнинг таянчлари бўлиб яшаган мулла, эшонлар қаторида бўлмади, балки эзилган қора халқ орасида бўлди.

Диссертант Хожа Аҳмад Яссавий “Ҳикматлар”идаги асосий ғоя таркидунёчилик эканлиги кўринсада, бу ҳол, Яссавийнинг дунёдан, унинг ғам-ташвишларидан, тамоман юз ўгирган экан, деган хулоса чиқаришга олиб келмайди, дея хулоса қилади. Аксинча, инсон масаласи унинг қарашларида марказий ўринни эгаллайди ва инсонпарварлик ғояларини, ахлоқ ва ҳуққ-одоб қоидаларини тарғиб қилади. Хожа Аҳмад Яссавий ўз тариқати тамойилларини яратишда аввало аҳолининг руҳий-маънавий даражаси, диний-маърифий тайёргарлигини назарда тутган, сўнгра кўчманчи чорвадор табақаларининг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган. Мутасаввиф таълимотининг кенг тарқалишига асосий сабаб бўлган омиллардан бири, унинг исломгача бўлган халқ расм-русумларига, турмуш тарзига асосланганидир.

Хожа Аҳмад Яссавий тасаввуфнинг тадрижий ривожланиши ва қоидаларини чуқур ўрганган, ўз таълимотини шакллантиришда улардан ўринли фойдаланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Яссавийлик таълимотининг фалсафий-ирфоний моҳияти”** деб номланиб, биринчи параграфи “Яссавийлик таълимотининг фалсафий моҳияти”га бағишланган. Ушбу параграфда яссавийлик таълимотининг асосий моҳиятига оид назарий қарашлар таҳлил этилган.

Диссертацияда Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий камолот, яъни, билимлари даражаси унинг ижтимоий воқелик, меҳнат, кишилар ва жамиятга бўлган муносабатларида акс этгани асослаб берилади. Мутасаввифнинг теологик қарашларини илоҳиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳикматларда таъкидланишича, у ҳали туғилмасидан оқ илоҳий олам билан боғланган эди. “Ҳазрати пайғамбар алайҳиссалом меърож туни кўкда фақрнинг сийратини

¹⁷ Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти. - Тошкент: ГФНТИ, 1994. - Б.68.

нур шаклида кўрдилар. Бу менинг руҳим эди”, - деб ёзади:

“Аё дўстлар, кулоқ солинг айдугимга,
На сабабдин олтмиш учда ерга кирдим,
Меърож узра Мустафо руҳимни кўрди,
Ул сабабдин олтмиш учда ерга кирдим.
Ҳақ Мустафо Жаброилдин қилди савол,
Бу нечук руҳ, танга кирмай тобти камол,
Кўзи ёшлиқ, ҳалқа бошлиқ, қадди ҳилол?
Ул сабабдин олтмиш учда ерга кирдим”¹⁸.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг волидаси ҳомиладор бўлган куни “илоҳий оламда” камол топган руҳ волидасининг вужудига (танасига) кирган эди. Аҳмад танага кирмасдан бурун ҳам Аллоҳга ошиқ, маънавий комил бўлиб, “кўзи ёшли, боши эгик, қадди ҳилол”, яъни у тоат-ибодатли мусулмон руҳ эди. Шу сабабли руҳ жисмга кирган заҳоти моддий тана билан мураса қила олмай, ўз аслига қараб интилади. Буни мутасаввиф қўйидагича изоҳлайди:

“Тўққиз ойу тўққиз кунда ерга тушдим,
Тўққиз соат тура олмай, кўкка учдим”¹⁹.

Диссертацияда Хожа Аҳмад Яссавий инсонда илоҳий сифатлар билан бирга тана тузилиши, умумий кўриниш, ранг, баъзи бир ҳаракатлар ҳамда айрим хасталиклар ота-онадан болага ўтиши мумкинлигига доир қарашлари асосланган. Шунингдек, у ўзининг диний-фалсафий қарашларида Қуръон ва шариатга асосланган ва Ислом дини асосларини тўлиқ ўзлаштирган, уларни халққа сингдиришни асосий бурчи деб билган. Мутасаввиф “Оят, ҳадис ҳар ким айтса самоъ билгин” мисраларида инсонларни исломни, Аллоҳни билишликка ундайди ва билмаганларни “мўмин эрмас”, дейди. Ҳар бир сўфий, дарвиш, фақир “Кундуз рўзада, кеча намозда бўлсин ва тиловати Қуръонда бўлсин”, дея мурожаат қилади.

Хожа Аҳмад Яссавий тариқатининг фалсафий илдизлари Қуръон Карим ва Ҳадиси шариф ғояларига бориб тақалишини, ҳикматларининг мағзи Қуръон ва Ҳадиси шарифнинг мазмунини ташкил этишини, улар Худонинг сўзларидан келиб чиқиб яратилганини айтади:

“Мани ҳикматларим кони ҳадисдир,
Киши бўй элтмас билгил ҳабисдур.
Мани ҳикматларим фармони субҳон,
Ўқиб уқсанг, ҳама маънийи Қуръон”²⁰

Диссертацияда Хожа Аҳмад Яссавий золим кимсаларга Ҳақ таоло қудратини эсга олишни маслаҳат бергани ва уларга қарши доно инсонларни қўйгани фалсафий жиҳатдан асосланган. Аммо, доно кишиларни хушомад қилишини золимликка тенглаштиради. Аллома мулоҳазаларига кўра, инсон нодонлик ва жаҳолат тузоғига тушмаслиги учун у илмни эгаллаши, “олимларга хизмат” қилиб, улар “сўзига амал” қилиши зарур. Ҳақиқий илм эгалари “тану жонга раҳбар турур”, тариқатнинг “айн ул-яқин”и, шариатнинг

¹⁸ Яссавий А. Ҳикматлар. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 48; Яссавий А. Ҳикматлар. (Ҳикматлар куллийети). - Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - Б.14-15.

¹⁹ Яссавий А. Ҳикматлар. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. - Б. 50.

²⁰ Яссавий А. Ҳикматлар. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991. -Б.198.

“илм ул-яқин”и, ҳақиқатнинг “Ҳаққ ул-яқин”и босқичларини садоқат билан ўтаган инсонлардир. Бундай инсонлар Яссавий тасаввуридаги комил инсонлардир.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи “Хожа Аҳмад Яссавий “Ҳикматлар”ида ирфоний ғоялар талқини” деб аталади.

Хожа Аҳмад Яссавийнинг ирфоний ғоялари унинг “Ҳикматлар” ва “Фақирнома” асарларда тўла баён этилган. Хожа Аҳмад Яссавий ва у асос солган яссавия таълимотида ирфонга етишиш, маърифатли бўлиш, ҳақиқатни англаш, бу ошиқлик йўлидир. Унингча ошиқ ишқ воситасида Ҳаққа етади, Аллоҳни кўради ва ўзини, аслини англайди. Хожа Аҳмад Яссавий ишқ йўлига асосий тўғоноқ деб нафс, ғофлат, кибру-ҳаво, дунёга боғланишни таъкидлайди. Шунинг учун нафсга қарши кураш, огоҳ бўлиш, тавба, сабру-таваккул инсонни бу фоний дунёдан ўзилиб бақо ҳолатига етишига ёрдам беради. Хожа Аҳмад Яссавий ирфон йўлини интуитив билиш босқичи сифатида тарифлаш билан бирга нодонларга қарши кураш билан доноларни эзозлаш лозим деб ақл-идрок қувватига юксак баҳо бериб, билишнинг рационал йўлини ҳам тан олади.

Диссертант Хожа Аҳмад Яссавий “маърифат” сўзининг тасаввуфий маъносини “илоҳий моҳият ва сифатларни, ҳодисаларнинг тафсилоти ва зоҳирий амрлар сифатида тан олиш” деб тушунгани атрофлича очиб берилган. Унинг фикрига кўра, маърифатнинг сўнгги босқичи фанодир. Мутасаввиф исломий тушунчаларни, қарашларини, мазмун-моҳиятини сўфёна фикрлар, ғоялар билан уйғунлаштирди. Унинг ҳикматларидан ўрин эгаллаган бош ғоялардан бири илоҳий ишқдир. Унинг мулоҳазаларига кўра илоҳий ишқ борлиқнинг туб сабаби ва маъносидир. Инсоннинг вазифаси эса ўзининг Аллоҳга қуллик бурчини адо этиб, унинг дийдорга восил бўлишдан иборатдир. Хожа Аҳмад Яссавий ишқ тушунчаси қуйидагича тафсиллайди:

“Ишқинг қилди шайдо мени, жумла олам билди мени,
Қайғум сенсен туни-куни, менга сен-ўқ кераксен.
Таъолаллоҳ зиҳи маъно сен яратдинг жисму жонни,
Қуллуқ қилсам туни-куни, менга сен-ўқ кераксен”²¹.

Диссертацияда Хожа Аҳмад Яссавий тасаввуфий қарашларининг бош ғояси ягона ва ҳақиқий борлиқ бўлмиш Аллоҳнинг илоҳий борлиғига қовуша олиш ва вуслатга эришиш эканлиги таъкидланади. Бу ҳақиқатни теран идрок қилган Хожа Аҳмад Яссавий инсоннинг ўзлигини билиши бевосита Ҳақни билиши билан боғлиқлигига диққатни тортади. Мутасаввиф ирфоний фалсафасида дунёдан юз ўгирилмайди. Ёмонлик, нодонлик, жаҳолат, молпарастлик иллатлари ривожланган дунёни қалбдан, юракдан қувишга даъват этилади.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматлари мазмун-моҳияти шундан дарак берадики, унда “ўзлат” доимий ҳолат ва фикрий бирлик жараёни сифатида гавдаланади. Унинг тасаввуфий-ирфоний дунёқараши марказида ёруғлик манбаи сифатида – руҳ ёлғизлигида у Худога жуда яқин туради. Шундан келиб чиқиб, мутафаккирнинг кураш ҳақидаги фалсафий мулоҳазалари ҳам

²¹ Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. - Б.159.

ўзгача, яъни инсон ҳаётидаги энг катта кураш – бу нафсни таслим этишга хизмат қиладиган кураш деб ҳисобланади. Унингча, нафсга мағлуб шох – қулга, нафсдан устун ғариб – шохга тенглаштирилади. Аллома ҳикматларининг асосий қисми айнан шу масала талқинига бағишланган.

Диссертацияда Хожа Аҳмад Яссавий ўз қарашларида “Мен”нинг ҳақиқатларига ишонгани очиб берилган. Унингча, ушбу “Мен”да битта буюк ғоя бор. У ҳам бўлса – ишқ. Аллома мулоҳазаларига кўра, ишқ унинг қалбида дунёдаги ва коинотдаги барча сир-синоатларни марказлаштира олади. Буни Хожа Аҳмад Яссавий камолот ишқи, деб таърифлайди. Бу ишқ инсонни худо даражасига етказа олади. Ўз қарашларини давом эттириб, айтадики:

“Олло дедим, шайтон мендан йироқ қочди,
Ҳойи ҳавас моумонлик турмай кўчди”.

Бу билан мутасаввиф “Олло” дейишдан мақсад бу – гумон ва ёмонликларга рағбатлантирувчи шайтондан қутилиш эканлигини, манманлик, калтабинлик, кибр, ҳою-ҳавас ҳисларини илдизлари билан суғуриб ташлашни назарда тутди. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларида ифодаланган тасаввуфий қарашларининг маънавий-ахлоқий, диний-фалсафий мазмун-моҳияти ниҳоятда теран ва маънога бойлиги билан ажралиб туради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Хожа Аҳмад Яссавий диний-тасаввуфий меросининг тарбиявий аҳамияти”** деб номланиб, унинг биринчи параграфида “Яссавийлик тариқатининг кейинги даврлардаги эволюцияси” таҳлиliga қаратилган.

Диссертацияда Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат ва машойим ул-футувват” номли асарида яссавийлик тариқати давомчиларидан Қутбиддин Ҳайдар, Ҳаким ота – Сулаймон Боқирғоний, Исмоил ота каби ўнлаб пиру-муршидлар ҳақида маълумотлар берилган. Сулаймон Боқирғоний Хожа Аҳмад Яссавий Мустафонинг хирқасини кийиб, луқмасини еганлиги, Каъбага ҳаж сафарига борганлиги, Аллоҳ томонидан лозим кўрилган авлиёлик илмини эгаллагани, кунчиқардан то кун ботаргача ўн саккиз минг оламда машҳурлигини, унинг ўрни дор ус-саломда бўлиб, Хизр билан суҳбатдош, Илёс билан улфатдош эканлигини, шу тариқа Аллоҳ қошида хурсандлигини қуйидаги мисраларида ифодалайди:

“Туркистонга боролинг, хизматинда бўлолинг,
Улуш берса ололинг шайхим Хожа Аҳмад Яссавий.
Бобо мочин ул султон мурид бўлди бегумон,
Ҳаким Хожа Сулаймон шайхим Хожа Аҳмад Яссавий”²²

